

2006-2

Суд томонидан ЖПК 22-моддаси талабларига риоя этилмаганлиги ҳамда процессуал қонун бузилишига йўл қўйилганлиги суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кўрилишига асос бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2004 йил 4 августдаги ҳукмига асосан Т. ЖК 105-моддаси 2-қисмининг «и» банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган. Р. ЖК 105-моддаси 2-қисмининг «и» банди билан, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, унга нисбатан ЖК 72-моддаси қўлланилган.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди апелляция инстанциясининг 2004 йил 21 сентябрдаги ажрими билан ҳукмнинг Т.га оид қисми ўзгартирилиб, унга нисбатан ҳам ЖК 72-моддаси қўлланилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Т. ва Р. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли деб топилганлар.

2004 йил 6 апрель куни С. вояга етмаган қизи Ш. билан Т.нинг уйи олдидан ўтиб кетаётганда Т.га тегишли бўлган ит Ш.нинг орқасидан қувган. С. қизини ҳимоя қилиш мақсадида итга қарата тош отган. Итга бўлган муносабатдан ғазабланган Т. қизи Р. билан С.нинг уйига борган. У ерда Т. ўзи билан олиб келган таёқ билан С.нинг чап елкасига ва қўлига, Р. эса таёқ билан С.нинг бошига бир марта уриб, воқеа жойидан кетишган.

Бироздан сўнг, Т. ўғли Б. билан бирга С.нинг уйига бориб, ҳақоратлаб, унинг бошига шу ерда турган ёғоч швабра билан бир марта урган.

Содир этилган жиноий ҳаракатлар оқибатида С.нинг баданига ўртача оғир шикаст етказилган.

Мазкур жиноят ишини биринчи ва апелляция инстанция судида кўриш жараёнида ЖПК 22-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги қарорининг 3-бандида белгиланган, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш лозимлиги ҳақидаги талабларига риоя этилмаган .

ЖПК 396-моддасига кўра, суд жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида иш бўйича процессуал қонун талабларига риоя этилганлигини текшириши, жумладан айбланувчига айблов хулосаси нусхаси юборилган-юборилмаганлигини аниқлаши лозим.

Иш материалларидан кўринишича, Нукус шаҳар прокурори ўринбосарининг айбланувчи Т. ва Р.га юборган хатига айблов хулосаси илова қилинмаган. Суд мажлисида ҳам судланувчи Р.нинг айблов хулосаси нусхасини олмаганлиги, Т.нинг эса, айблов хулосаси фақат бир нусхада почта орқали келган бўлиб, уни ўқиб бўлмайдиган ҳолатда эканлиги ҳақидаги важдари текширилмаган. Суд мажлиси баённомасида судланувчилар айблов хулосасини қачон олганлиги аниқ акс эттирилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Гумон қилинувчи ва айбланувчини химоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 14 бандида химоячидан воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ташаббуси билан ва ушбу масала муҳокама этилаётганда химоячининг реал иштироки таъминланган ҳолдагина йўл қўйилиши, бунда иш материалларига химоячининг ишда иштирок этишга ваколати борлигини тасдиқловчи ҳужжат (адвокатнинг ордери, қонуний

вакил ваколатини тасдиқловчи ҳужжат ва ҳ.к) қўшиб қўйилиши лозимлиги кўрсатилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 431-моддасига мувофиқ ишни биринчи инстанция судида кўришда раислик қилувчи суд таркибини эълон қилиши, давлат айбловчиси, ҳимоячи ва бошқа процесс иштирокчиларини эълон қилиши назарда тутилган.

Суд мажлисининг баённомасида судда иштирок этувчи ҳимоячи ким эканлиги эълон қилинганлиги кўрсатилмаган бўлса-да, судланувчилар ҳимоячидан воз кечишганлиги туфайли ҳимоячи суд мажлиси залидан чиқиб кетганлиги акс эттирилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 438-моддасига мувофиқ суд мажлиси иштирокчилари янги гувоҳларни, экспертларни, мутахассисларни чақириш, ҳужжатларни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилиши мумкин. Илтимос қилувчи тараф қўшимча далиллар айнан қайси ҳолатларни аниқлаш учун зарурлигини кўрсатиши шарт.

Суд мажлисида Т. томонидан профилактика инспекторини, суд-тиббий экспертни ва қўшимча гувоҳларни судга чақириш ҳақида илтимоснома келтирилган. Суд қайд этилган шахсларни қайси ҳолатни аниқлаш учун чақиртириш зарурлигини аниқламасдан ва рад этиш сабабларини кўрсатмасдан, илтимосномани қаноатлантирмаган.

Гувоҳ М. судда 2004 йил 6 апрель куни С. вояга етмаган қизи Ш.га ширинлик олиб бериш мақсадида унинг уйига келганлигини, кетидан Т. ва Р. ҳам келиб, Т. С.ни бошига таёқ билан уриб, иккаласи жанжаллашаётганида уйдаги «Тазагул» ва «Айсара» исмли аёллар уларни ажратиб қўйганлиги ҳақида кўрсатув берган. Суд М.нинг кўрсатувларини атрофлича текшириш учун судга қўшимча гувоҳ сифатида «Тазагул» ва «Айсара» исмли аёлларни чақириб сўрамаган, жабрланувчи С.нинг ҳаракатларини аниқламаган.

Иш бўйича ўтказилган суд-тиббиёт экспертизаси хулосасида С.нинг бош тепа соҳасида жароҳатлар мавжудлиги, чап қўлининг тўртинчи бармоғи сингани, С. касалхонада фақат олти кун даволанганлиги кўрсатилган. Ушбу жароҳатлар ўртача оғир шикастга олиб келиш-келмаслиги экспертни сўроқ қилиш йўли билан аниқланмаган.

Бундай ҳолатда иш бўйича суд тергови ҳар томонлама, тўла ва холисона олиб борилган деб бўлмайди.

Маҳкум Т. апелляция шикоятда ҳам дастлабки тергов органи томонидан процессуал хато-камчиликларга йўл қўйилганлигини, уни ва қизи Р.ни терговчи чақирмасдан процессуал ҳужжатларга имзо чекишдан бош тортганлиги ҳақидаги баённомаларни қалбакилаштирганлигини, терговчи ҳимоя ҳуқуқини таъминламаганлигини, иш ҳолатларини батафсил аниқлаш мақсадида дастлабки терговда иштирок этган холисларни, воқеа жойида бўлган «Айсара» исмли шахсни, С.га нисбатан ўтказилган суд-тиббиёт экспертизаси хулосасини экспертни қўшимча гувоҳ сифатида сўроқ қилиш йўли билан аниқлаш ҳақидаги илтимосномаси суд томонидан асоссиз рад этилганлигини, ўзи ва қизи Р.га нисбатан тузилган айблов хулосаси почта орқали фақат бир нусхада юборилган бўлиб, уни ўқиб бўлмаслигини кўрсатган.

Т. ва Р.нинг судда ҳимоячини кўрмаганликлари, уларга ҳимоя ҳуқуқи тушунтирилмаганлиги ҳақидаги вазлари ҳам апелляция инстанцияси суди томонидан текширилмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий суд раиси ўринбосарининг протестини қаноатлантириб, Т. ва Р.ларга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2004 йил 4 августдаги ҳукми, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди апелляция

инстанциясининг 2004 йил 21 сентябрдаги ажримини бекор қилиб, жиноят ишини янгидан судда кўриш учун юборган.

33-14-04-сонли қарор